



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 6 июл, жума № 103 (1117)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ПОЕЗДАДАГИ ЗАМОНАВИЙ ПОЛИКЛИНИКА

Мамлакатимизда сув танқислиги ва экологик вазиятдан азият чекаётган Оролбўйи минтақаси аҳолисига ҳар томонлама кўмак бериш ишларининг кўлами тобора ортиб бормоқда. Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофизат қилишга доир кўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгилаштириш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги эса мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида, воҳа аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатишни ҳар томонлама яхшилаш учун талай чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Жумладан, вазирлик ҳузурда минтақа аҳолисига даволаш-профилактика ва санитария-эпидемиология ишларида кўмак кўрсатиш борасида республика штаби ташкил этилди.

Яқинда эса вазирлик «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акционерлик темир йўл компанияси билан ҳамкорликда «Саломатлик» поезди ташкил этди. Бу поезд 24 июн-2 июл кунлари Оролбўйида бўлиб, ўз зиммасига юклатилган муҳим вазифани тўла адо этиб қайтди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур поезддаги замонавий поликлиника таркибида Қорақалпоғистонга йўл олган тиббиёт ходимлари орасида мамлакатимиздаги таниқли жарроҳлар, терапевтлар, гинекологлар, педиатрлар, санитар врачлар, кулоқ-бурун-томоқ шифокорлари, эпидемиологлар, дерматологлар, ҳатто, стоматологлар бор эди. Бу миссияда иштирок этганлар, асосан, юртимиздаги етакчи тиббиёт институтлари, илмий текшириш институтлари ва марказлари ҳамда бошқа даволаш-профилактика муассасаларининг малакали мутахассисларидан иборат бўлди. Жумладан, иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти профессор Бахтиёр Турсунов, профессор Абдувоҳид Содиқов, «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси тиббиёт хизмати бош жарроҳи Боқижон Мансуров, 1-ТошМИ профессори Бердимурод Саидқориев каби малакали шифокорлар Оролбўйи аҳолисига беминнат хизмат кўрсатди.

«Саломатлик» поездида Қорақалпоғистонга борган шифокорлар уч гуруҳга бўлиниб ишлади. Биринчи гуруҳ республика маркази ва Ҳўжайли,

Кораўзақ, Бўзатов, Тахтакўпри, Чимбой туманлари аҳолисига хизмат кўрсатди. Улар бу ердаги стационар ва амбулатория каби даволаш-профилактика муассасалари, шифонахоналарда беморларга аниқ ташхис қўйиш, маҳаллий кадрларга маслаҳат бериш билан бир қаторда, ўзлари ҳам даволашда бевосита иштирок этди. Хусусан, Нукус шаҳрида пойтахтдан борган шифокорлар иштирокида 24 бор жарроҳлик операцияси ўтказилди.

Иккинчи гуруҳ Қўнғирот шаҳри ва унга ёндаш ҳудудлар - Қонлиқўл, Шуманай ҳамда Мўйноқда фаолият олиб борди. Бу ерда ҳам аҳолининг катта қисмига ҳар томонлама тиббий ёрдам кўрсатилди. Мазкур ҳудудлар қурғоқчилик ва экологик вазиятдан жиддий зарар кўрган эмасми, таърибли тиббий мутахассисларнинг ташрифи айни мuddао бўлди, дейиш мумкин.

Орол дегизи соҳилига яқин жойларда аҳоли нисбатан сийрак яшайди. Марказдан анча узоқда жойлашгани боис бу ерда яшовчи одамларнинг юқори малакали тиббий хизматга эҳтиёжи нисбатан юқори бўлиши табиий. Шу сабабли Қорақалпоғистон, Бўстон, Жаслик, Абадан ва Борсақелмас аҳоли пунктларида фаолият кўрсатган учинчи гуруҳнинг вазифаси анча масъулиятли эди. Гуруҳ аъзолари бу ердаги қишлоқларда истиқомат қилаётган 10 мингга яқин кишини ёлпасига тиббий кўриқдан ўтказди.

«Саломатлик» поездида Оролбўйига юборилган 22 миллион сўмлик дори-дармоннинг 60 фоизи дастлабки икки гуруҳга тенг бўлиб берилган бўлса, қолган қисми учинчи гуруҳга ажратилди. Бу ҳам

учинчи гуруҳ амалга оширган ишлар кўлами кенглигидан дарак беради.

Сафар асносида тиббиёт ходимлари ултраовуш, флюорография, фиброгастрокопия каби аппаратлардан унумли фойдаланди. Лаборатория текширувлари ташкил этилди.

«Саломатлик» поезди мутахассислари ўтказган тиббий кўриқдан сўнг 384 нафар бемор стационар шароитда даволашга таъсис этилди. Шулардан 114 тасига Тошкент шаҳридаги марказий клиника ва шифонахоналарга, 155 нафарига Нукус шаҳридаги, 15 беморга эса Қўнғирот тумани марказий шифонахонасида ётиб даволашнига йўлланма берилди. Бу беморлар даволаниб бўлганидан сўнг ўз яшаш жойларига бепул олиб бориб қўйилди.

«Саломатлик» поездининг махсус вагонига 22 нафар фуқаро Тошкентга олиб келинди. Улар Тошкентнинг энг яхши шифонахоналарида малакали шифокорлар назоратида даволанди.

Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида «Саломатлик» поездининг ташкил этилиши мамлакатимиз ҳукумати томонидан бу минтақада вужудга келган мураккаб вазиятни тезда бартараф этиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган изчил сиёсатининг узвий бир қисmidир. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги даволаш-профилактика хизмати кўрсатиш бош бошқармаси бошлиғи Фарҳод Илҳомовнинг айтишича, бундай хайрли ишлар яна давом эттирилади. Жумладан, яқин ойлари ичида Қорақалпоғистонга яна бир марта шундай миссия ташкил этилади. У биринчи тадбир давомида амалга оширилган ишларнинг қанчалик самара берганини ўрганиш ва бундай ишларнинг аҳамиятини белгилашни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Шунингдек, келажакда саломатлик поездларини мамлакатимизнинг бошқа вилоятларига ҳам жўнатиш режалаштирилмоқда.

Анвар ҚАРИМОВ, ЎЗА мухбири.

Мехнат аҳлини соғломлаштириш ва мазмунли дам олдириш масаласи касабани уюшмалари фаолиятининг асоси ҳисобланади. «Дўст синовли дамда билинади» деганларидек мураккаб экологик шароитда яшаётган Оролбўйи аҳолисига ёрдам кўрсатишдек муҳим ишдан пойтахт касабани уюшмалари Кенгаши ҳам четда қолаётгани йўқ.

Белгиланган тадбирга биноан Кенгаш томонидан шу йилнинг ноябр ойига қараб Қорақалпоғистон Республикасидан бепул йўлланмалар билан 1200 нафар аёл «Умид гулшани», «Оқтош», «Турон», «Чинобод», «Ботаника», «Чотқол», «Чимён» сихатгоҳлари ва «Саломатлик», «Семурғ», «Назарбек» ва «Навбахор» санаторий-профилактикаларида соғломлаштирилади. Яқинда «Турон» сихатгоҳида даволанаётган бир неча аёл билан суҳбатлашдик.

— Намихон Қуттибоева, - дея ўзини таништирдик қорачадан келган, чеҳрасида мамнулик акс этиб турган аёл. - Чимбой туманида яшайман, фермерман. Ун нафар фарзандим бор. Менинг ўнг оёғим оғриб, асабим бевозта қиларди. Ҳозир анча яхшиман. Дилимдагини айтсам: ҳукмати-мизга кўп раҳмат, биз, оналарга меҳрибончиликлар учун. Муолажалар яхши. Бош шифокордан оддий ҳамширагача шифо

«ТУРОН»ДА ҚОРАҚАЛПОҚ АЁЛЛАРИ




ринсўз. Таомлар мазали, шарт-шароит аъло. Соғлом она — баркамол авлод дегани. Кичик

ёшдаги икки нафар ўғлим, бир нафар қизим Бўстонлик туманидаги «Чотқол» болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олишгапти. Болалардан кўнглим хотиржам. — Мен Кегейли туманидан келдим, маданият хо-

лишмайди. Шаҳар марказига сайлга чикиш, музайга бориш каби тадбирлар бепул. Қорақалпоғистондан келган аёлларга яратилган шароит билан яқиндан танишдик. «Уларнинг хоҳиш-истакларини эътиборга олиб, бир корпусга жойлаштирдик», - дейди бош шифокорнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Дилдора Абламитова. Уч нафар аёл иккинчи, икки нафар аёл биринчи кардиология бўлимига жойлаштирилди. Айни вақтда биринчи навбат бўйича бизда Қорақалпоғистондан келган 14 нафар аёл соғломлаштирилмоқда. Ноябрь ойига сихатгоҳимизда Оролбўйи ҳудудидан жами 279 нафар аёлнинг соғлигини мустақамлаб, уйларига кузатиш ниътидамиз. Улуғбек ПУЛАТОВ.

БАЛЛИ, ФАРҲОД!

АҚШнинг Феникс шаҳрида фахрийлар ўртасида дзюдо бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатини ниҳоясига етди. Ушбу чемпионатда иштирок этган ўзбекистонлик Фарҳод Илҳомовнинг айтишича, бундай хайрли ишлар яна давом эттирилади. Жумладан, яқин ойлари ичида Қорақалпоғистонга яна бир марта шундай миссия ташкил этилади. У биринчи тадбир давомида амалга оширилган ишларнинг қанчалик самара берганини ўрганиш ва бундай ишларнинг аҳамиятини белгилашни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Шунингдек, келажакда саломатлик поездларини мамлакатимизнинг бошқа вилоятларига ҳам жўнатиш режалаштирилмоқда.



Финалгача бўлган беллашувларда ҳамюртимиз тўрт нафар дзюдоchini мағлубиятга уратиб, олтин медални кўлга киритди. Спорт фахрийси ўз галабасини Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлади. (ЎЗА).

Анвар ҚАРИМОВ, ЎЗА мухбири.

«Мехнат» бирлашган болалар оромгоҳи вилоятнинг беш тумани ўқувчиларига қўйилган совға бўлди. Десақ муволафа бўлмас, Қарийб саккиз йил хувиллаб турган бу гўша яна шодон кулгаларга тўлди. Вилоят ҳокимлиги, касабани уюшмалари Кенгаши ва туман ҳокимликлари қисқа фурсатда олти юз нафар ёшларни ўз бағрига оладиган бу масканни ишга туширишга эришдилар.

ЯНГИ ОРОМГОҲ

— Таътил кунларига асосий биналарни тиклаш, жорий таъмирлаш ишларига 27 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди, - дейди бирлашган оромгоҳ раҳбари Очил Сарваров. — 10 миллион сўмлик ётоқхона, салкам ўн миллион сўмлик ошхона жиҳозлари, идриш товуқлар ва бошқа воситалар харид қилинди. Айни пайтда Шароф Раҳимов, Мирзаобод, Сайхунбод ҳамда Сирдарё туманларида яшовчи 560 нафар ўқувчи дам олиш кунларини шу ерда ўтказишаптир. Болажонлар дам олишини ташкил этишда оқ

олтинликлар ибратли ишларга қўл урмоқда. Яъни туман ҳудудида етиштирилаётган ҳўл мева, сабзавот маҳсулотлари болажонлар дастурхонини беэзоқликда турмондаги Улуғбек, Усмон Носир номли ширкат уюшмалари жамоалари вакиллари тез-тез жажжилар ҳолидан хабар олиб туришибди. Таъминотда узлишларга йўл қўйилмапти. Оромгоҳ қошидаги маънавият хонаси, кутубхона ёшлар дунёқарашини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Барча имкониятларга эга ошхона, спорт майдончалари, ювиниш хона-

си, сузиш ҳавзаси ёшлар ихтиёрида. Дам олувчиларга яратилган шарт-шароитдан қайси туман бу борадаги ишларга қандай эътибор бераётганини билиб олса бўлади.

Сайхунбод тумани ёшлар етакчиси ўринбосар Ўтаганов фаолияти билан танишдик. Бошқалардан фарқли ўлароқ сайхунбодликлар ёшлар ҳордигини режалаштиришда лоқайдликка йўл қўйишган. На бош етакчи Ўтаганов, на етакчи Лола Борзорованинг иш режаси бугунги кун талабига жавоб беради. Ачинарлиси, режанинг асосини эрта-лабки бадан-тарбия ташкил этган. Қолаверса, маъмул саёҳатларни қозоғга тушириш бугунги дам олувчи ёшларни қаноатлантирмайди. Лекин, энг асосийси Мирзаҷўл болалари энди дам олиш тўғрисида ташвиш тортмайдиган бўлишди. Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.

ОИЛАВИЙ МУСОБАҚА

Тошкент вилояти Қибрай ўқув спорт машғулот марказида «Onalar va bolalar» йилгига бағишланган қишлоқ хотин-қизларининг маданий спорт соғломлаштириш республика спартакиадаси ўз ниҳоясига етди.

Ушбу спартакиада Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касабани уюшмалари федерацияси, жисмоний тарбия ва спорт жамияти, Ўзбекистон касабани уюшмалари федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти марказий бошқаруви ҳамкорлигида ўтказилди. Унда спортнинг оилавий мусобақалари, стол тенниси, шахмат, шашка турлари бўйича республикамизнинг барча вилоятларидаги қорхона жамоаларидан бештадан спортчи аёллар иштирок этишди.

Оилавий мусобақаларда Тошкент вилояти жамоаси вакили Ирина Каршина ўғли Станислав Каршин билан биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди. Шахмат бўйича ўтказилган мусобақада биринчи ўрин самарқандлик қизларга насиб этди. Иккинчи ўринни жиззахликлар эгаллашди.

Спортнинг стол тенниси ва шашка мусобақаларида самарқандлик аёллар барча рақиблардан устун келишди. Шунингдек аёлларнинг маданий ҳордик чикаришлари учун «Балли қизлар» кўрик-танлови ўтказилди. Танловда барча вилоят хотин-қизлари бир хил очко билан баҳоланди. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни самарқандлик аёллар эгаллашди. Иккинчи ўрин Тошкент вилояти жамоасига, учинчи ўрин Андижон вилояти аёлларига насиб этди. Фойдаларга ташкилотчилар томонидан эсдаллик совғалари топширилди.

ТАДБИРКОРГА СОВҒА

Жалолқудуқ туманида «Хамкорбанк» акциядорлик тижорат банкнинг филиали ишга тушди. Тумандаги фермер хўжаликлари, фирмалар, шунингдек хусусий тадбиркорларга бу муносиб совға бўлди.

Туманимизда 135 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади, - деди «Туркистон-пресс» мухбири янги филиал раҳбари Нажmiddин Тешабоев. 267 та фермер хўжалиги, 400 та кичик қорхона ва фермерлар, шунингдек 650 нафар хунармандлар рўйхатдан ўтишган. Банк бўлими айнан шуларга хизмат кўрсатади. Янги бўлим қурилиши ва жиҳозланишига 50 миллион сўм сарфланди.

Автобус файзли қишлоқ йўли бўйлаб манзил томон одимлайди. Ёнимдаги чеҳрасидан нур ёғилиб турган ёшўли суҳбатчимизни давом эттириб дил сўзларини изҳор этади:

— Биз, кексалар, қалбимиз қувончга тўлиб эрта тонгда дуога қўл очамиз. Меҳрибон Президентимиз, юрт ишқиданган, саховат кўрсатаётган инсонларга раҳматлар айтгимиз. Шу муносабат юрда яшаётганимдан гоётада бахтлиман. Меҳр-оқибат, мухтожларга мурувват кўрсатиш, кексаларни ардоқлаш, етим-ёсирлар бошини силамоқ каби аҳойиб анъаналар истиқлол шарофати ила қонунларимизга кўчди. Ҳазрати инсон ҳар қадамда эъозланмоқда.

Ота экинзорга тикиларкан негадир ўйга толди. Маврудини топиб қалбига қўл солдим. — Айтмай десам дилим ўртанади, - фикрини ифодалади ёшўли. — Таъкидлаганимдек, мамлакатимизда кўмакка мухтожлар мустақам ижтимоий ҳимояга олинган.

Бунинг учун давлатимиз ҳеч нарсани аямаётир. Бирок, орамизда баъзи бир ноинсофлар борки, улар кўмакка мухтож кишилар ризқини қийишга, улар учун ажратилган нафақа пулларидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Тўртқўл туманига бор-

кўра нафақалар тўласинча ўз вақтида эгаларига етказилмаган. Бунинг сабабини билан улар бўлим бошлиғи Клара Сержановага мурожаат қилганимизда унинг хуноби ошди. Олдимишга қуйидаги маълумотларни қўйди. Қаранг, шу йилнинг январ ойида 907 нафар кишига мазкур

сангиз бунга тўла ишонч ҳосил қиласиз. Нуронийнинг гаплари бизни чуқур ўйга толдирди. Хизмат сафари билан Тўртқўлда бўлдик. Туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимидагиларнинг таъкидлашларича, жорий йилда иш сўраб мурожаат қилганлар 3020 киши, ишга жойлаштирилганлар 1724 кишини ташкил этибди. 1327 нафар фуқарога эса ишсизлик мақоми берилди. Бирок, олти ойлик натижаларга

бўлим томонидан 2 миллион 18 минг сўмдан ортиқ миқдорда нафақа тайинланган. Лекин тегишли кишиларга берилган нақд пул тайинланган маблағга нисбатан 47,9 фоизини ташкил этган. Буниси хали холва экан. Апрель ойида бу кўрсаткич 11 фоизга тушиб қолибди.

2001 йил Оналар ва болалар йили деб эълон қилиниши муносабати билан барча ерда хотин-қизларга алоҳида меҳрибонлик кўрсатилмоқда. Бирок, мазкур тумандаги ай-

нафақаси ханузгача қўлига тегабди. Истиқлол кўчасидаги 60-уйда яшовчи Холбика Юсупова, 40-А уйда истиқомат қилувчи Насиба Тиллаева ҳам худди шу кўйга тушишган. Уринли савол туғилади: ишсизлик нафақаси нега вақтида, тўлиқ берилмапти? Маълум бўлишича, туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи ҳокимликка, Халқ банки бошқаруви раҳбариятига неча бор ёзма ва оғзаки ра-

вишда мурожаат қилган. Бирок, мутасаддилардан жўяли жавоб ололмаган. Журналист суриштирувидан сўнг равшан бўлдики, Халқ банки туман бўлими бошқарувчиси кўмакка мухтож кишилар учун давлат томонидан ажратилган маблағларни шахсий манфаати йўлида фойдаланишга эътибор берган. Шу боис белгиланган пул ўз эгаларига вақтида етказилмаган. Бу кўзбўямачилик унга қимматга тушди. Собик бошқарувчи ҳозир қонун олдида жавоб бермоқда.

Давлатимиз, қанчадан-қанча оқунгил, саховатпеша кишилар мухтожларга катта маънавий, меҳр-мурувват кўрсатиб турган бир шароитда ёрдам талаб қилувчи учун ажратилган маблағлардан шахсий манфаати йўлида фойдаланишга уринган, виждонни хиғилдонга айланган кишилар орамизда борлиги нақадар ачинарли...

Болтабой ЭРНАФАСОВ, «Ишонч» мухбири.

Мухтарам Президентимиз Қашқадарёга сафари чоғида Камаш туманидаги Амин Умарий номли ўрта мактаб ва педагогика институт кесиб-хунар коллежи жамоаси билан учрашиб, ёшларни тарбиялаш соҳасидаги вазифалар ҳақида сўз юритдилар. Йигит-қизларга кўпроқ турдаги касб ўргатиш лозимлигини, бунинг учун иқтидорли кадрлар тайёрлаш кераклигини алоҳида ўқитдилар.

Вилоятдаги мактаблар, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлари жамоалари Юртбошимизнинг қимматли маслаҳатларидан келиб чиқадиган вазифаларни белгилаб олдилар. Ҳар бир ўқув юрти кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш, ёшларни маънан ва жисмонан етук, Ватанга садоқатли кишилар қилиб тарбиялаш билан астойдил шуғулланмоқдалар.

— Президентимизнинг қашқадарёлик ёшлар билан учрашувлари улар қалбида ўчмас из қолдириди, — дейди вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи Рўйиддин Раҳимов. — Шунинг учун ҳам касб-хунар таълимини ривожлантириш, тармоқни моддий техника, ўқув услубий қўлланмалар билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Таълим муассасалари фаолиятини баҳолашнинг рейтинг, кадрлар тайёрлаш сифати ва уларга бўлган эътиёж-

равишда ўзи белгилайди. Вилоятда республика Вазирлар Маҳкамасининг «Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бош-

ЁШЛАР

қариш тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-хунар таълими ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорларини бажариш бўйича бир мунча ишлар амалга оширилди. Миллий дастур қабул қилингандан буён воҳода 2 та академик лицей ва 16 та касб-хунар коллежлари ишга тушди.

Ташкил қилинган касб-хунар коллежларининг 3 таси саноат, 2 таси қурилиш, 7 таси қишлоқ хўжалиги, 1 таси тиббиёт, 3 таси педагогика ва ижтимоий-иқтисодий соҳа бўйича бўлиб, уларда ҳозирги замон талаблари даражасида малакали мутахассислар тайёрланапти. Аини пайтда академик лицейларда 415 та, касб-хунар коллежларида 5298 та талаба давлат таълим стандартларига мос режа-

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — амалда

ва дастурлар асосида ўқитилмоқда. 2010 йилга қадар вилоятда яна 8 та академик лицей ва 128 та касб-хунар коллежлари қурилади ва мавжуд ўқув муассасаларини қайта таъмирлаш ҳисобига ташкил этилади. Бу вазифа амалга оширилса тармоқда 150 мингдан ортиқ йигит-қизлар тахсил оладилар.

2001-2002 ўқув йилида академик лицейларга 300 дан зиёд, касб-хунар кол-

ллекция вақтида олиб бориш тизими ишлаб чиқилиб, жорий этилди. Бинобарин, таълим тизимини ислоҳ қилиш вазифалари муваффақиятли ҳал этилса одамлар онгига дилмоса кадрлар мустаҳкам қарор топади, инсон жамиятдаги ўрнини англи-

Кўпроқ турдаги касбларни ўрганишади

лежларига 6550 нафар ўқувчи қабул қилиниши мўлжалланган. Шу кунларда янги ўқув йилига тайёргарлик қизгин тус олган. Матбуот, радио ва телевидение орқали хунар ўрганишнинг аҳамияти, бозор иқтисодиёти шароитида ёшларга касб ўргатишнинг моҳияти ҳақида чиқишлар уюштирилмоқда.

— Умумтаълим мактаблари тўққизинчи синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига тўлиқ жалб қилганимиздан сўнг ўқитувчи ва педагог муҳандисларга талабимиз 10 минг нафарни ташкил этади, — дейди бошқарма бошлиғининг ўринбосари Н.Турсунов. — Бу талабни қондириш учун умумтаълим мактабларидан 1,5 фоиз, ўрта махсус ўқув муассасаларида ишлаб турган ходимлар хисобидан 4,5 фоиз, ишлаб чиқариш корхоналари муҳандисларидан 1,6 фоиз, олий ўқув юрти битирувчиларидан 81,2 фоиз мутахассисларни академик лицейлар ва касб-хунар коллежларига тақлиф этишимиз лозим.

Демак, педагогик кадрларнинг билим ва малакасини ошириш, қайта тайёрлаш муҳим вазифа бўлиб қолади. Таълим муассасаларида ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва синаб қўриш

лик жамияти вакиллари мазкур корхоналарга тегишли мутахассисликлар бўйича ишлаб чиқилган ўқув дастурлари ва режаларини ўрганиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Миллий дастурни рўйбога чиқариш босқичларида белгиланган халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва чет эл сармояларини жалб қилиш бандлари ижросини таъминлаш мақсадида ўқитувчилардан 39 киши

АҚШ, Германия, Голландия, Канада, Франция, Япония, Кореяда тажриба ўрганиб қайтишди. Хозиргача ўқув юртлари республика бюджетидан лойиҳа нархига кирмаган 283 миллион, вилоят маҳаллий бюджетидан 147 миллион, Жанубий Корея Республикаси кредити ҳисобидан 220 миллион сўмлик ўқув-лаборатория, фан кабинетлари учун асбоб-ускуналар, кўргазмали қуруллар ва техника воситалари билан жиҳозланди.

Шу кунга қадар 25 комплект компьютер, 35 нафар ўқув кабинетлари учун персонал компьютерлар, 60 та кодоскоп олиб келиниб ўрнатилди. «Осиё тарқатиёт банки» томонидан ажратилган кредитлар ҳисобидан Яққабов, Қовчин қишлоқ хўжалик, Қарши саноат касб-хунар коллежларини ҳамда Япони-

география» фанлари бўйича ўқув режалари ва дастурлар ишлаб чиқилди. Миллий дастурнинг асосий мақсадларидан бири — узлуксиз таълим узвийлигини таъминлашдан иборат. Бу борада ўқув юртларидаги синф майдончаларидан бир мунча ишлар амалга оширилди. Умумтаълим мактаблари, Қарши давлат университети, Қарши муҳандислик иқтисодиёти институтини ўқитувчиларининг фикр-мулоҳазалари жамланиб, ўқув режалари ва дастурларига ўзгартиришлар киритишга оид тақлифлар республика ўрта махсус касб-хунар таълими марказига юборилди.

Ўтган ўқув йилида «Шўртангаз» конлари, «Қашқадарё пармалаш ишлари» бошқармалари, «Ўзбекнефтгазкудуктаъмирлаш» очик ҳиссадор-



нинг мониторингини олиб бориш тизими ишлаб чиқилиб, жорий этилди. Бинобарин, таълим тизимини ислоҳ қилиш вазифалари муваффақиятли ҳал этилса одамлар онгига дилмоса кадрлар мустаҳкам қарор топади, инсон жамиятдаги ўрнини англи-

Навоийнинг «Гулистон»и

Навоий шаҳри кун сайин чирой очмоқда. Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллик юбилейи нишонланадиган йилда шаҳарда янгидан-янги бинолар, боғ ва хийбонлар барпо этилмоқда. Шаҳарнинг Шарқий қисмидаги «Гулистон» мавзеси ҳам тобора кенгайиб, замонавий киёфа касб этмоқда. Шу кунларда бу ерда 10 та коттеж фойдаланишга топширилди. Миллий услубда қурилган бу ҳовлиларда аҳолининг яшаши учун зарур бўлган барча шарт-шароит муҳайё этилган.

70 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфлаб бунёд этилган бу турар жойларни уруш ва мەхнат фажрийлари, ногиронлар ва кам таъминланган оилаларга беришга қарор қилинди. (ЎЗА).

Галлаорол тумани маркази тобора чирой очиб бораётди. Кейинги йилларда бу ерда катор маиший хизмат объектлари, савдо шохобчалари, ошхона ва чойхоналар қурилиб фойдаланишга топширилди.

Яқинда қад қўтарган «Ораста» деб ном олган аҳолига хизмат кўрсатиш мажмуаси ҳам туман маркази жамолига ёқут кўздек ярашиб тушди. Бу ерда енгил машиналарга хизмат кўрсатиш дўконлари ишлаб турибди, шунингдек, шинамгина чойхона ҳам аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Б.НОРҚУЛОВ олган сурат.



Спорт

КУМУШ МЕДАЛ БИЛАН

Анджондаги олимпия ўринбосарлари республика билим юрти тарбияланувчиларидан тузилган чим устида хоккей бўйича Ўзбекистон терма жамоаси ёшлар ўртасида Малайзияда ўтказилган Осиё кубоги кумуш медалининг соҳиблари бўлишди.

— Ушбу нуфузли соврин учун Осиё китасининг ўн та мамлакатини спортчилари жиддий кураш олиб бордилар, — деди Ўзбекистон терма жамоаси бош мураб-

бийси Ринат Маматқазин. — Қаттиқ беллашувлардан кейин терма жамоамиз ўз гуруҳида голиб келди. Ярим финалда майдон эгалари — Малайзия билан беллашувга тўғри келди.

Гарчи жамоа финал учрашувини бой берган бўлса-да, мутахассислар спортчиларимизнинг маҳоратини муносиб баҳоладилар.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ АРАФАСИДАГИ ИМТИҲОН

Беларус пойтахти Минскда яқунланган дзюдо бўйича «А» категориясидаги халқаро аънана-

вий турнир бу сафар 20 мамлакатдан 300 нафардан ортиқ спортчиларни тўплади. Бу бежиз эмас, чунки 25 июлда Германияда жаҳон чемпиони бўлганда, Минск эса дзюдочилар учун сўнгги имтиҳон вазифасини ўтади.


Минскдаги турнирда 12 нафар ўзбекистонлик спортчи иштирок этди. Уларнинг уч нафари уйга медаллар билан қайтди. Эгамназар Акбаров ва Мурод Калигулов кумуш медал, Абдулла Тангриев эса бронза медал соҳиби бўлди.

ПОЙТАХТДА ПОЛЬША МАДАНИЯТИ

Тошкентдаги Алишер Навоий номли катта опера ва балет театри артистлари ижросида Польша бастакорларининг мусикалари янгради.

— Таниқли опера хонандалари Шуккур Ғофуров, Нормунин Султонов ва Алевтина Степанянлар Шопен асарларидан арияларни поляк тилида ижро этишди, — деди «Туркистон-пресс» муҳбирига. «Полония» маданият маркази раиси Елена Яковлева, — Польшанинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва маданият маркази ушбу кечани ташкил этишди.

Е. Яковлева ва унинг сўзларига кўра бундай концертлар Тошкентда илгари ҳам ўтказилган. Хусусан, икки йил бурун Тошкент давлат консерваториясида Фердерик Шопен ижодида бағишланди, анжуман ўтказилганди. Ўтган йили эса хор ансамбли ташкил этилди. — Шу пайтга қадар бундай тадбирларда польшалик ижрочилар қатнашмаётганди, — деди Е. Яковлева. — Уларни ҳам тақлиф қилдик. Польшалик хонандалар шу йил август ойида Ўзбекистонга келишиб, «Полония» маданият маркази ташкил этилганининг ўн йиллигида иштирок этишади.



Бухоро Давлат университети тасарруфидagi сихатгоҳ бир йўла 50 нафар ўқитувчи-талабани қабул қилиш имконига эга. Бу ерда шифокору ҳамширалар муолажалардан ташқари спорт-соғломлаштириш тадбирларига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.

Суратда: ҳамшира Нодира Саидова машғулот ўтказаётди.

Жума ўғитлари

ОРТИҚ СЎЗДАН АСЛО БЎЛАРМИ ФОЙДА, ЗИЁНДАН БЎЛАК ЙЎҚ СЎЗ ОРТИҚ ЖОЙДА

Ўқув ва билимнинг тилмочи, таржимони тилдир. Кишига рўшнолик, яхшилик ва эзгуликлар тил туфайли келади, бунга яхши билиб олини керак. Қут-иззатни ҳам, обрў-эътиборни ҳам киши тил орқали топади. Агар тилга эътибор бермаса, уни ноўрин қўлласа, одам кутилмаган кўргуликларга дуч келиши мумкин.

Тил арслон мисоли ётар қафасда, Беҳабар бошни у ер нафасда.

Тилидан тутилган не деяр, эшит, Амал қил бу сўзга, ўзингга иш эт.

Бало келтиради бошга бу тилим, Бошимни у кесмай, қилайин тилим.

Сўзингни тийиб юр, бошинг ёрмасин, Тилингни тийиб тур, тишинг синмасин.

Дона қардошларнинг тилига қулоқ сол. Улар: — Эй тил эгаси, бошингни асра! — дейишган. Ўзига эсонлик тилаган ҳар бир одам тилидан яроқсиз сўзини чиқармасин. Билиб сўзланган сўз донолик саналади. Билимсизнинг сўзи эса ўз бошига етиши мумкин.

Ҳеч қачон кўп гапирма. Жуда оз сўзла. Туман сўз туғунини битта сўз билан ёзиб юбор, яъни оз сўзларга кўпроқ маъно сиғдириш пайидан бўлгин. Чунки:

Киши сўз туфайли бўлади малик, Ортиқ сўз бу бошни этади эгик.

Ортиқча айтилган сўз киши кўнглига малол. Аммо сўзламаслик ҳам мумкин эмас. Бу ҳолда соқов деган номни ортиқчи олиш мумкин. Шунга кўра одамга йўриқ тутиш лозим. Йўриқни ўртача тутган одам қут-иқболга эришади.

Тилингни авайла — омондир бошинг, Сўзингни авайла — узаяр ёшинг.

Тилнинг келтирадиган нафи жуда кўп. Уларни гофиллик қилиб қўлдан чиқармаслик керак. Тил гоҳо мақталса, гоҳо сўкишга мос бўлади. Шунинг учун қачон ва қанча сўзласанг ҳам билиб гапир. Гапирган гапинг кўр одамлар учун кўз бўлсин.

Назар солиб қарасанг, билимсиз одам кўзи кўр кишига ўхшайди. Унинг кўзини очиб учун билимдан ҳисса бериш лозим. Тутилган одам албатта ўлади. Ундан ҳеч бир нишона қолмайди. Лекин унинг сўзлари эзу бўлса, бошқалар юрғидан юғи олиб улгурса, наму мангу қолади, тиллардан-тиллarga, диллардан-дилларга қўчиб юраверади...

(«Қутадуғу билиг»дан).

Ўзбекистон кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касоба уюшма Марказий Қўмитаси жамоаси ва Марказий Қўмита раёсати аъзолари Навоий вилояти кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касоба уюшма қўмитаси раиси Муроджон Шарифжоновга волидаи муқтарамаси

МАРЖОН аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH
Бош муҳаррир **Мирғиёс ҚАЮМОВ**
Муассис:
Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзохид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.40

Маълумот: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида боёилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нарҳда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.